


«ТАСДИҚЛАНГАН»  
“Ўзбекистон ипотекани қайта  
молиялаштириш компанияси”  
акциядорлик жамияти  
Кузатув кенгашининг  
2023 йил 22 декабрдаги қарори билан

“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”  
Ўзбекистон Республикаси  
Истиқболли лойиҳалар  
миллий агентлиги

Жамият Кузатув кенгаши раиси  
Каршибаев Жасур Ҳазраткулович  
  
(имзо)

Директорнинг биринчи ўринбосари  
В.Ю.Пак  
  
(имзо)  
«15» январ 2024 й. P0912-5 -сон

**АКЦИЯЛАР ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР**  
“ЎЗБЕКИСТОН ИПОТЕКАНИ ҚАЙТА МОЛИЯЛАШТИРИШ КОМПАНИЯСИ”  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Идентификация рақами берилди: 

R	U	1	0	5	P	0	9	1	2	T	2
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Номинал қиймати 1000 (Бир минг) сўм бўлган 808 100 000 (Саккиз юз саккиз миллион бир юз минг) дона умумий ҳажми 808 100 000 000 (Саккиз юз саккиз миллиард бир юз миллион) сўмлик  
ЭГАСИНИНГ НОМИ ЁЗИЛГАН ҲУЖЖАТСИЗ ШАКЛДАГИ ОДДИЙ АКЦИЯЛАР

Мазкур акциялар қўшимча чиқарилиши ЁПИҚ ОБУНА УСУЛИДА жойлаштирилади.  
Акцияларнинг ушбу чиқарилиши БЕШИНЧИ чиқарилишдир.

Мазкур акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор  
“Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” акциядорлик жамияти  
Кузатув кенгашининг 2023 йилдаги 22 декабрдаги баённомаси асосида  
“Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” акциядорлик жамияти  
Кузатув кенгашининг 2023 йилдаги 22 декабрдаги баённомаси билан тасдиқланган.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шох кўчаси, Ҳалқаро ҳамкорлик маркази 107Б-уй, 14А / +99878 148 30 00 / info@uzmrc.uz / www.uzmrc.uz

Бош ижрочи директор

Фарманов Муроджон Жабборович

Бош бухгалтер в.в.б.

Шоймарданов Бахтиёр Бахриддинович

2023 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_

## МУНДАРИЖА

Эмитент	3
1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли)	3
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли	3
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм)	3
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона)	3
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм)	3
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари	3
7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар	4
8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм)	4
9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади)	4
10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади)	4
11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби	4
11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна)	4
11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати	5
11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби	5
11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони	6
11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби	6
11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби	7
11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби	7
11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби	7
12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби	7
13. Бошқа маълумотлар	8

Эмитент	“Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” акциядорлик жамияти, қисқартирилган номи “ЎЗИҚМК” АЖ (кейинги матнда “жамият”)
1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли)	Эгасининг номи ёзилган оддий акциялар
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли	Ҳужжатсиз шаклда
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм)	Акциялар ҳар бирининг номинал қиймати 1 000,00 (Бир минг) сўм
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона)	808 100 000 (Саккиз юз саккиз миллион бир юз минг) дона
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм)	808 100 000 000 (Саккиз юз саккиз миллиард бир юз миллион) сўм
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари	Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгалари қуйидаги ҳуқуқларга эга: <ul style="list-style-type: none"> <li>- тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;</li> <li>- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;</li> <li>- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;</li> <li>- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;</li> <li>- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;</li> <li>- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;</li> <li>- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;</li> <li>- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;</li> <li>- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;</li> <li>- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;</li> <li>- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;</li> </ul>

	- акциялар акциядорларга жамият уставида ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни ҳам беради.
7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар	Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставида чеклашлар мавжуд эмас. Ушбу чиқарилишдаги акциялар, чиқарилиш тўғрисидаги қарорга мувофиқ Жамият кузатув кенгашининг 2023 йил 22 декабрдаги қарорига асосан ёпиқ обуна усулида белгиланган тартибда жойлаштирилади.
8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм)	132 790 200 000 (Бир юз ўттиз икки миллиард етти юз тўқсон миллион икки юз минг) сўм
9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади)	Илгари жамият томонидан 132 790 200 (Бир юз ўттиз икки миллион етти юз тўқсон минг икки юз) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акциялар ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (Бир минг) сўмдан жойлаштирилган.
10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади)	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 2023 йил 21 сентябрда P0912-1-сон билан давлат рўйхатига олинган (RU301P0912T7) "ЎзИҚМК" АЖнинг Корпоратив облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига асосан муомалага чиқарилган (корпоратив) облигациялар:  - чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури: эгасининг номи ёзилган, оддий, фоизли корпоратив облигациялар;  - облигациялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз;  - чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 000 000 (Бир миллион) сўм;  - чиқарилишдаги облигацияларнинг сони (дона): 140 000 (Бир юз қирқ минг) дона;  - чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 140 000 000 000 (бир юз қирқ миллиард) сўм.
11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби:	
11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна)	мазкур чиқарилиш доирасида чиқарилаётган акциялар, ушбу қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрда мавжуд акциядорларга имтиёзли ҳуқуқ берилган ҳолда ҳамда имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш мuddати тугаганидан кейин қолган акциялар

	<p>Давлат активларини бошқариш агентлиги, "Ipoteka-bank" АТИБ, "Biznesni rivojlantirish banki" АТБ, "O'zbekiston Respublikasi tashqi iqtisodiy faoliyat milliy banki" АЖ, "O'zbekiston sanoat - qurilish banki" АТБ, АТ "Xalq Banki", "Asakabank" АЖ, "Agrobank" АТБ, "Turonbank" АТБ, "Orient finans bank" АТБ, "Hamkorbank" АТБ, "Aloqabank" АТБ ва "Mikrokreditbank" АТБларга ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади.</p>
<p>11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати</p>	<p>акциялар қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 2024 йил 1 июнга қадар жойлаштирилади;</p> <p>- акцияларни жойлаштириш бошлаш санаси — имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги ахборот эълон қилинган кундан эътиборан 11 (ўн биринчи) кун, бироқ имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати ўтгунига қадар жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, акцияларни жойлаштириш ушбу аризалар келиб тушган кундан кейинги иш кунига бошланади. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси банк ҳисоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунига бошланади;</p> <p>- акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, мазкур чиқарилиш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 2024 йил 1 июндан ошмаслиги лозим.</p>
<p>11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби</p>	<p>Мазкур чиқарилаётган акциялар жамият томонидан мустақил равишда, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларини (андеррайтерларни) жалб этмасдан жошлаштирилади.</p> <p>Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштирилиш қимматли қоғозларнинг ташкиллаштирилмаган (уюлмаган) биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилган ҳолда, ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.</p>

<p>11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони</p>	<p>“Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” акциядорлик жамияти</p> <p>Ташкилий-ҳуқуқий шакли: акциядорлик жамияти</p> <p>Жойлашган жойи/почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй</p> <p>Тел. +99871 267 37 42, +99871 267 35 92</p> <p>Электрон почта манзили: info@deponet.uz</p> <p>Е-хат манзили: uzcsd@exat.uz</p> <p>Веб-сайт манзили: www.deponet.uz</p>
<p>11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби</p>	<p>Мазкур чиқарилишдаги акцияларни олишга имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар рўйхати акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган сана (22.12.2023 йил ҳолати)га шакллантирилган жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ акциядорлар томонидан ўзларига тегишли бўлган оддий акциялар сонига мутаносиб равишда амалга оширилади. Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўн кун ичида акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида билдириш эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) календарь кунни ташкил этади. Билдириш матнида жойлаштирилаётган акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акциялар сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни банкка юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида банкка тақдим этилиши керак. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат</p>

	ўтгунига қадар жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди. Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.
11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби	Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси ҳар бир акция учун номинал қиймати миқдоридан белгиланган, яъни 1 000,00 (Бир минг) сўм.
11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби	<p>Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида фақат пул маблағлари билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15-декабрдаги ПҚ-394-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан ҳамда бошқа акциядорлар томонидан нақд ва (ёки) нақдсиз шаклда қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Акциялар тўланишига келиб тушадиган нақд ва (ёки) нақдсиз шаклдаги пул маблағлари кўчирилиши лозим бўлган Эмитентнинг банк реквизитлари – банк номи:</p> <p style="text-align: center;">“Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ х/в 21508 000 0 05141951 001 ЎзРМБ Тошкент ш. ББ ҲКМда МФО 00014 СТИР 306 834 286 реквизити</p> <p>бўйича қабул қилинади. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, акциялар учун тўланган пул маблағлари Банк-эмитентнинг тегишли ҳисобварақларида ҳисоби юритилади.</p>
11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби	Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда тўлов воситалари акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида қайтарилади.
12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси	Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисида қарорнинг асл нусхаси ва кўчирма нусхаси билан ариза орқали жамиятнинг жойлашган манзили бўйича жамиятда танишиб чиқиш мумкин.

<p>қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби</p>	<p>Қўшимча акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг жамият қўшимча акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда Ягона корпоратив ахборот порталида (<a href="http://www.openinfo.uz">www.openinfo.uz</a>) ҳамда жамиятнинг веб-сайтида эълон қилади.</p>
<p>13. Бошқа маълумотлар</p>	<p>“Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” акциядорлик жамияти Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Давлат хизматлари марказида 04.11.2019 йил 776924-сон билан рўйхатдан ўтган.</p> <p>СТИР 306834286</p> <p>Давлат статистика органи томонидан белгиланган кодлар: ТҲШ 153, УИФК 64190, ДБИБТ 79994</p> <p>Жамиятнинг юридик адреси ва жойлашган манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темури шох кўчаси, Ҳалқаро Ҳамкорлик Маркази 107Б-уй, 14А</p> <p>Тел.: +99878 148 30 00</p> <p>Электрон почта манзили: <a href="mailto:info@uzmrc.uz">info@uzmrc.uz</a></p> <p>Е-хат манзили: <a href="mailto:uzmrc@exat.uz">uzmrc@exat.uz</a></p> <p>Веб-сайт манзили: <a href="http://www.uzmrc.uz">www.uzmrc.uz</a></p>



8 (sakkiz) varaqdan iborat. Raqamlangan va tikilgan.

Bosh ijrochi direktor

M. Farmanov

Bosh buxgalter v.v.b.

B. Shoymardonov



*[Faint, illegible text, likely bleed-through from the reverse side of the page]*